

Сийрат дарслари (122-дарс). Арафа кунининг фазилати



14:00 / 05.02.2021 4142

473. Убода ибн Сомит розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам одамларга Қадр кечаси ҳақида хабар бериш учун чиқдилар. Шунда мусулмонлардан икки киши низолашиб қолди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: **«Сизларга хабар бергани чиққан эдим. Аммо фалончи ва пистончи низолашиб қолишди. Шунинг учун уни тўққизинчи, еттинчи ва бешинчида изланглар».**

Бухорий ривоят қилган.

474. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мана бу кунлардан кўра Аллоҳ учун солиҳ амал севимли бошқа кунлар йўқ»**, дедилар. Яъни, (зулҳижжанинг биринчи) ўн кунлиги. «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳнинг йўлидаги жиҳод ҳамми?» дейишди. **«Аллоҳнинг йўлидаги жиҳод ҳам. Фақат жонию моли билан чиқиб, бирор нарса ила қайтмаган киши мустасно»**, дедилар».

Бухорий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

475. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Арафа кунчалик Аллоҳ бандани дўзахдан кўпроқ озод қиладиган кун йўқдир. Албатта, У зот яқинлашиб келади ва улар билан фаришталар олдида фахрланиб: «Анавилар нимани хоҳлашяпти?» дейди»**.

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан